



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — МУҚАДДАС ҲУЖЖАТ

Унинг ижросига
масъулият билан
ёндашиш талаб этилади

Ҳозир жаҳоннинг юксак ривожланган мамлакатлари ҳам молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатиш, ҳусусан, бюджет харажатларини борган сари қисқартириш ҳақида бош қотиряпти. Мамлакатимизда эса Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтириб келиняпти. Таълимни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳар доим асосий эътиборда турибди. Давлат бюджетидан ана шу йўналишларга йилдан-йилга кўпроқ маблағ йўналтириш, яъни аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш чоралари кўриляпти. Шундай муҳим пайтда бюджет маблағларининг режалаштирилган эзгу мақсадлар учун оқилона йўналтирилиши ҳар томонлама долзарб ва ҳаммамизни ўйлантирадиган масаладир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзАДП фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилги ижроси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилинаётганда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Фракция аъзолари масалани кенг ва таҳлилий муҳокама қилишди. Депутатлар партия дастурий мақсадлари ҳамда электротат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатининг ижросига нисбатан қатъий нукта назарларини билдиришди.

► Давоми 2-бетда.

УНИВЕРСИАДА — 2016



БУГУН ГЎЗАЛ ФАРҒОНАДА гўзал спорт байрами бошланади

26-29 май кунлари Фарғона шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада — 2016» мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жамоалар беллашади.

4

УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ

Юксак умидлар маёғи



Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-Куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида «Универсиада — 2016» спорт мусобақалари машъаласини аланга олдириш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ёшлари юрагидаги жўшқинликни, қалбидаги шижоатни ўзида акс эттирувчи «Универсиада — 2016» машъаласини 2012 йили Лондонда ўтган Паралимпия ўйинлари совриндори дзюдочси Шариф Халилов ўт олдириб, майдонга олиб кирди. У машъалани 2016 йили Жанубий Кореянинг

Чонжу шаҳрида академик эшак эшиш бўйича Осиё саралаш мусобақасида голиб чиқиб, XXXI Олимпия ўйинларига йўланмани қўлга киритган истеъдодли спортчимиз Шаҳбоз Холмирзаевга тантанали равишда топширди.

— Серкўёш юртимиз офтобининг заррин нурларини ўзига сингдирган ушбу машъала орзу-умидларимиз, келгуси муваффақиятларимиз маёғидир, — дейди Ш.Холмирзаев. — «Универсиада — 2016» спорт ўйинларида иштирок этаётган талабаларимиз Олимпия ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатларида юксак марраларни эгаллашига, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлашига ишончимиз комил.

Машъала Фарғона вилояти сари йўл олди.

«Универсиада — 2016» машъаласи олиб ўтилаётган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирокида ёшлик, гўзаллик, бирдамлик байрамига айланди.

ЎзА.

ЎзАДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ташаббускор партия гуруҳи

ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилишга
эришади

ЎзАДПнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида 2016 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 15 масала белгиланган бўлиб, шундан бугунги кунгача 11 масала партия гуруҳларида, 4 масала доимий комиссия мажлисларида кўрилган ва 4 масала сессия кун тартибига киритилган.

2

Фаоллик кучайтирилмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан «Партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг электротати манфаатлари ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш дастуридан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш» мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлини маси мутахассислари иштирок этди.

Сиёсий партиянинг жамият ҳаётида мустаҳкам ўринга эга бўлиши, унинг гоилари одамларга

етиб боришда сайловози дастурида белгиланган вазибалар ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда партиядан халқ депутатлари Тошкент вилояти маҳаллий Кенгашларида сайланган депутатлар электротат манфаатлари ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Жорий

йилда улар томонидан фуқаролар муурожаатлари ва ҳудудий муаммолар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига икки юздан ортқ депутатлик сўрови юборилган. Ушбу муурожаатларда кўтарилган масалаларнинг асосий қисми ҳал этилган.

Семинарда партия депутатларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электротат манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим йўналишлар бўйича тавсиялар берилди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎзА мухбири.

МУНОСАБАТ

УЛУҒ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Президентимиз Ислон
Каримовнинг «Алишер Навоий
номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти
университетини ташкил этиш
тўғрисида»ги фармони ўқиб

Мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир номи билан аталувчи махсус университет ташкил этилиши янги куч, янги ташаббуслар, зўр шижоат билан миллий маънавиятимиз равнақи йўлида хизмат қилиш, она диёримиз кўрку жамолини, бунёдкор халқимиз эришяётган улкан муваффақиятларни тараннум этиш истагини янада кучайтирди. Бахтиёр 1989 йилда она тилимизга давлат тили мақоми берилган тарихий онлар ёдимга тушди...

Ушанда халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида хур фикрлилик, озодлик туйғуларини қўлчан ёйиб, кўкка ўрлаётган бир пайтда республикамиз раҳбари томонидан «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани катта байрамга, қувончли, унутилмас лаҳзаларга айланиб кетганди! Бу кун халқимизнинг гурурини тиклаган, ўзгиларимизни қайтариб берган, ёруғ оламга келиб илк бора сўзлатган муқаддас тилимизда каттаю кичик минбарларда эмин-эркин сўзлаш, армонлару орзуинтилишларимизни, улуг мақсадларимизни ифода этиш ҳуқуқини инъом этган кун эди! Бу она тилимиздан, муқаддас динимиздан, қадимий ва бой тарихимиздан айрилиб, бизни таназзулга элтмоқчи бўлган кучларга қарши мардонавор зарба эди.

Президентимиз раҳнамолигида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этишдек буюк мақсад йўлидан дадил бораётган Ватанимизнинг, юртдошларимизнинг бугун қадди тик, тили бурро, гурури осмон. Ёшларимиз дадил, ўзига ишонган, янгилликка интилувчан. Улар дунё ёшлари билан беллашиб, ҳеч кимдан кам бўлмай, улуг миллат вакиллари, буюк сиймоаларнинг ворислари эканини юракдан ҳис этиб, аниқ мақсад сари одимламоқда, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда. Юртимиздаги барча миллат вакиллари ўз она тилида эркин сўзлашиб, ижод қилиш ҳуқуқига эга. Айниқса, улар ҳам гўзал ва қадимий ўзбек тилида сўзлашяётганликлари, бу тилини ўрганиш иштиёқида бўлган хориқликлар сафи ортиб бораётгани гоят қувонarliдир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимиз равнақи ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибордир. Фармонда қайд этилганидек, ажодларимиз қолдирган бой илмий, адабий, маънавий меросни дунёга танитиш, ҳаётимиз ойнаси бўлган адабиётимиз хазиналарини жаҳон тилларига таржима қилиш, ўз навбатида, жаҳон адабиёти дурдоналарини она тилимизга ўғриш орқали халқаро миқёсдаги эътирофга эришиш мумкин.

Бахтиёр фарзандларимиз бу йил буюк мутафаккир, она тилимиз имкониятлари нечоғли кенг эканини ўз асарларида юксак маҳорат билан тараннум этган Алишер Навоий номи билан аталувчи Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг қалдирғоч талабаси бўлиш имкониятига эгадирлар.

Улуг аллома ва адибларимиз, маърифатпарвар болаларимизнинг илму фан ва адабиёт равнақи йўлидаги улкан хизматларининг узвий давоми сифатида ушбу олий ўқув даргоҳи она тилимизнинг тарихий илдиэларини, ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали кадрлар тайёрлаб бериши ва олдига қўйган бошқа барча мақсадларига эришиши шубҳасиз.

Хуришда КЎЧКОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Андижон вилояти бўлими раҳбари.
ЎзА.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА «ТАРҒИБОТЧИ — МАҲАЛЛАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«АЁЛЛАР СОҒЛИГИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА НАВБАТДАГИ ТАДБИР ҲАЗОРАСП ТУМАНИДАГИ «КАРВАК» ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

НУРОТА ТУМАНИДА «ҲЕЧ КИМ МЕҲР-МУРУВВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

■ ЎзХДП фракцияси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ахборотни атрофлича муҳокама қилиб, ўз таклифларини берди.

Давлат бюджети — муқаддас хужжат

Унинг ижросига масъулият билан ёндашиш талаб этилади

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар бўйича Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев ахборот берди. Қайд этилдики, 2015 йилги иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор вазифаларининг тизимли равишда амалга оширилиши натижасида ўсишнинг барқарор суръатларини, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди.

2015 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,0 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8 фоизга, капитал қурилиш 17,8 фоизга ошишга эришилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди, яъни 5,6 фоизни ташкил этди.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлаш харажатлари Давлат бюджетининг 58,8 фоизини, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12,4 фоизни таш-

кил этди. Хусусан, кўмакка муҳтож қариялар ва ногиронларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларга 147,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, ижтимоий соҳа харажатларининг 57,1 фоизи таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантиришга, 24,5 фоизи соғлиқни сақлаш тизими-га йўналтирилган.

2016 йилнинг I чорағида ҳам юртимизда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ўсган, шунингдек, саноат маҳсулотлари, чакана савдо айланмаси ҳажми кўпайган.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.



Сақобиддин АРЗИҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:



Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

лари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларининг бажарилиши бўйича доимий равишда мониторинг ўтказиб келмоқда. Шу асосда тахлилий ҳулосалар чиқарилиб, ижро ҳокимияти

идораларига таклифлар киритилмоқда. Биз жорий йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг I чорағидаги ижроси ҳақидаги маълумотларни тахлил қилиб, бу борада ўзимизга муҳим йўналишлар ва керакли вазифаларни белгилаб олдик.

— Фракцияимиз Давлат бюджети ижросида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасили ошириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлаётганини қайд этади. Биз соғлиқни сақлашни ривожлантириш, даволаш муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари изчил ва тизимли асосда давом эттирилаётганини муҳим деб биламиз ҳамда буни қўллаб-қувватлаймиз. Агар тақдосласак, соғлиқни сақлаш тизимида йўналтирилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ошаётганини кўрилади. 2015 йилда соҳани ривожлантиришга Давлат бюджетидан 5 218,5 миллиард сўм (ижтимоий соҳага ажратилган маблағнинг 24,5

фоизи) ёки 2014 йилга нисбатан 15,8 фоиз кўп маблағ сарфланган.

Аҳоли соғлиғини сақлаш, соғлом авлодни вояга етказиш учун шaroит яратиш берилиши Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатларига хизмат қилади.

Аммо шунинг ҳам айтиш керакки, айрим жойларда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида олиши билан боғлиқ масалалар ҳамон учраб турибди. Яқинда сайловчилар билан ҳудудларда бўлган учрашувларда ҳам шу мазмундаги мунозаралар тўнди. Биз, албатта, депутат сифатида бу борада ўзимизга муҳим йўналишларни белгилаб олдик. Тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг ҳам ушбу масалага янада масъулият билан ёндашишини сўраймиз.

— Давлат бюджети даромадлари шаклланиши, унинг харажатлари молиялаштирилиши анча мураккаб, тизимли жараён, албатта. Шунини аниқки, бюджет ижросини таъминлаш мамлакатимизнинг барча фуқаролари манфаатларига бирдек дахлдор ўта масъулиятли вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир масалани чуқур тахлил қилиш, ҳатто камчиликларни вақтни ўтказмасдан бартараф этиш чораларини қўриш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки бюджет маблағлари бошқа қўллаб соҳалар қатори фарзандларимиз, набираларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай билим олиши, соғ-саломат вояга етиши учун йўналтирилган маблағлар ҳисобланади. Шундай экан, бу масалада виждонан ёндашиш, йўл

қўйилаётган айрим камчиликларни очик-ойдин муҳокама қилиш, аввало, инсоний бурчимиздир.

Фракцияимиз бюджет ижросини кўриб чиқаётганда ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолини ҳимоялаш, тўғридан-тўғри молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағларнинг самарали сарфланиши масалаларига алоҳида эътибор берди.

Ўтган йили халқимизнинг реал даромадлари 9,6 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 21,9 фоизга кўпайди. Хисобот даврида кўмакка муҳтож қариялар ва ногиронларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларга 147,5 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Таъкидлаш жоизки, фракцияимиз ҳамда халқ депутат-

Бюджет маблағлари бошқа кўплаб соҳалар қатори фарзандларимиз, набираларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай билим олиши, соғ-саломат вояга етиши учун йўналтирилган маблағлар ҳисобланади.

ЎзХДП фракцияси Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилги ижроси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисида»ги ахборотларини маълумлаб, депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазалар асосида қарор қабул қилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ташаббускор партия гуруҳи

ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилишга эришади

Нукус шаҳрида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлини маси ҳамда ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, партия фаоллари, депутатлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг қўнуқчилигида мустақамланган ҳўқуқ ва ваколатларини амалга ошириш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, партия гуруҳлари аъзоларининг нотиклиқ кўникмаларини шакллантириш масалаларида фикр алмашишди. Семинар давомида партия гуруҳларининг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига таъсир ўтказишнинг услубий жиҳатлари кўриб чиқилди.



Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

Бунда уларнинг жойларда қўнуқ ва бошқа қўнуқчилик ҳўжатларининг ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишдаги иштирокини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

— ЎзХДПнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Харакат дастурида 2016 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 15 масала белги-ланган бўлиб, шундан бугунги кунгача 11 масала партия гуруҳларида, 4 масала доимий комиссия мажлисларида кўрилган ва 4 масала сессия кун тартибига киритилган, — деди ЎзХДП Қорақалпоғистон

Республика кенгаши бўлим мудири Саламат Турсинов.

— Харакат дастуридан ташқари, электорат манфаатлари билан боғлиқ яна 5 масала партия гуруҳларида кўрилган.

Сессияга олиб чиқилган ҳар бир масала ижтимоий ҳимояни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қанча кўп масала депутатлар томонидан таклиф этилиб, ўрганилса, одамларни, сайловчиларни йўналтираётган камчиликлар бартараф этилади.

Семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг жойлардаги ОАВ ва партия

нашрлари билан ҳамкорлигини самарали ташкиллаштириш ҳақида қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— 2015 йил ҳамда жорий йилнинг шу даврига қадар туман Кенгашининг пленумлари ҳамда ижрокўм йиғилишларида депутатлар фаолиятини кучайтиришга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар белгиланиб, улар изчил амалга оширилипти, — деди халқ депутатлари Амударё туман Кенгаши депутати Махсуд Саъдуллаев. — Партияимиз гуруҳининг ўтган йилга мўлжалланган иш режасига асосан, жами 9 масала кўриб

чиқилган бўлса, 2016 йил иш режасига асосан, ҳозиргача 4 масала кўрилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, туман Кенгашига таклифлар бериб борилмоқда.

Тадбирда партиянинг ҳудудий ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолияти атрофлича тахлил этилди. Барча масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Худди шундай семинар Андижон вилоятида ҳам ташкил этилди. Унда ЎзХДП вилоят кенгаши масъул ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини маси вакиллари, депутатлар ва Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирок этди.

— Холис тахлил этадиган бўлсак, ўтган йили партия гуруҳларимиз муҳим ташаббуслар билан чиқди, муайян амалий натижаларга эришилди, — деди вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдулхамид Нурматов. — Шу билан бирга, олдимизда муҳим вазифалар ҳам турибди. Жумладан, электорат манфаатлари билан боғлиқ қўнуқ ва қарорларнинг ижросини мониторинг қилиш усулларини такомиллаштириш

йўллари ҳақида ўйлашимиз керак.

Шунингдек, вилоят партия ташкилоти етакчиси аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатлами манфаатини ҳимоя қилишда депутатлик сўрови институти имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб вазифа эканига эътибор қаратди. Депутатлар юбораётган сўровлар асосида мансабдор шахсларнинг доимий комиссиялар мажлислари ҳамда сессияларда ахборот беришини ташкил этишга эришиш зарурлиги таъкидланди.

— Ижтимоий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, ўйлаган ҳаракат талаб этади, — дейди ЎзХДП Бўз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Матлубахон Тўйчиева. — Бу борада ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигини мустақамлаш депутатларимизга ҳар томонлама қўл келади, деб ўйлайман.

Минажиддин ҚУТЛИМУРАТОВ,
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбирлари.

■ ЎзХДП:
БОШЛАНҒИЧ
ТАШКИЛОТ —
АСОСИЙ ТАЯНЧ

Бухоро «Геофизика экспедицияси» очик акциядорлик жамиятидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти 1999 йилда ташкил этилган. Унинг раҳбари, халқ депутатлари Когон туман Кенгаши депутати Қаҳрамон Мирзаевни туманимизда кўпчилик яхши танийди. Ҳозирги кунда 25 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич ташкилот партияимиз ғояларини тарғиб қилиш, Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда, партия фаоллари, депутатлар, мутахассислар ва ёшлар иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар ўтказмоқда.

Етакчига кўп нарса боғлиқ

Шунингдек, бошланғич ташкилот аъзолари ишчи-хизматчилар ва «Кончилар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳоли ўртасида доимий равишда учрашувлар уюштириб келмоқда. Вақтинча ишчи фуқароларни ишга жойлаштириш, тadbиркорликни ташкил этиш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича мунтазам равишда тadbирлар ташкил этиляпти.

Қаҳрамон Мирзаевнинг қайд этишича, бу ерда аъзолар билан ишлашда янгича ва замонавий услублардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, «Бошланғич партия ташкилотлари кўни»да тумандаги фаол кўйи бўғинлар фаолияти билан танишилиб, аъзолар билан эркин суҳбатлар ўтказилади, депутатлар иштирокида уларни йўналтираётган масалалар ўрганилади. Ҳозир кўйи бўғинда вақти-вақти билан кўчма Жамоатчилик қабулхонасини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Бу тadbирлар электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди, албатта.

Яна бир гап. Мазкур бошланғич партия ташкилотиди аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ёрдамга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш масаласида зарур чора-тадбирлар режаси қабул қилинган эди. Шу асосда нафақадаги меҳнат фахрийлари, кўмакка муҳтож ходимлар ҳолидан хабар олиниб, уларга малад бериш ишлари бошлаб юборилди.

Юқоридаги мисоллардан кўри-ниб турибдики, бошланғич ташкилотлар ташаббускор бўлса, дастурий мақсадларимиз изчил амалга ошади, партияимизнинг нуфузи, таъсир кучи ортиб бораверади. Шунинг учун туманимиздаги мавжуд 21 бошланғич ташкилотнинг ишини жонлантиришга, етакчиларнинг фаоллигини оширишга эътиборни кучайтирмоқдамиз.

Фазолат БОЙМУРОДОВА,
ЎзХДП Когон туман кенгаши раиси.



■ Президентимизнинг «Маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!», деган даъвати миллионлаб ёшларимиз қалбида машъала бўлиб порламоқда.



Мухаммад КОДИРОВ олган суратлар.

БУГУН ГЎЗАЛ ФАРҒОНАДА

гўзал спорт байрами бошланади

26-29 май кунлари Фарғона шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада — 2016» мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жамоалар беллашади.

Дастлаб Универсиада мусобақалари 9 спорт тури бўйича ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб улар 15 тага етди. Булар спортнинг баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, футбол, гандбол, шахмат ва сузиш турларидир. Бу йил еттинчи марта ўтказилган универсиада ҳар қачонгидан ҳам завқли ва тантанали бўлиши кутилмоқда.

Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Фарғона олимпия захиралари коллежидаги спорт заллари замон талаблари асосида таъмирланиб, жиҳозланди.

Мусобақа иштирокчиларининг яшаш, овқатланиши ва мазмунли дам олиши учун барча шароитлар муҳайё

этилди. Фарғона давлат университети ва Фарғона политехника институтининг талабалар турар-жой бинолари таъмирдан чиқарилди.

— Илгари бу қадар улкан курилишларни амалга ошириш ҳақида ҳатто орзу қилиш ҳам қийин эди, — дейди **Физика-математика фанлари доктори, профессор Банноб Отакулов**. — Университет ҳудуди бугун бир неча бор кенгайиб, барча қўлайликларга эга футбол майдончаси, ёпиқ сузиш ҳавзаси, ёпиқ спорт зали қурилиб, талабалар ихтиёрига топширилди.

Вилоят марказида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилиб, хиёбон ва кўчаларда гулзорлар ташкил этилди. Фарғона, Маърифат, Мураббийлар

каби марказий кўчалар замонвий меъморчилик аънавларига мувофиқ таъмирланди. Барча кўчаларга Универсиада, спорт, ёшлар улугланган паннолар, шиорлар ўрнатилди.

— «Универсиада — 2016» мусобақалари муносабати билан кўча ва хиёбонларга турли хил 400 мингдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилди, — дейди **Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маҳрабжон Мирҳолқов**. — 10 мингдан зиёд эман, каштан, сосна дарахтлари парваришланаёпти. 10 гектар майдонда янги майсазорлар барпо этилди. 16 минг туп манзарали дарахтга ишлов берилди. Кичик халқа йўли, Қува-сой, ал-Фарғоний, Алишер Навоий кўчаларининг четлари райхонлар экилди.

Спорт мусобақаларида 1068 нафар спортчи ва мураббий, 155 нафар ҳакам ҳамда юртимизнинг машҳур спортчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашади.

— Президентимизнинг «Маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!», деган даъвати миллионлаб ёшларимиз қалбида машъала бўлиб порламоқда, — дейди **«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши раиси Шерзод Полвонов**. — Кенгашимиз томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида Универсиада мусобақалари олдидан вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларидан ёшлар вакиллари Фарғона шаҳрига саёҳати уюштирилди. Мусобақалар жараёнида маданий-маърифий тадбирлар дастурига асосан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида санъаткорлар иштирокида байрам шодиёналарини ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, Универсиада иштирокчилари ва меҳмонларининг Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги тарихий обидалар, музейлар, театрлар ҳамда янги барпо этилган

иншоотларга саёҳати ташкил этилади.

Спорт мусобақалари очилишида ёқиладиган машъала Паркент туманидаги «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида табиий нур қуввати билан олов олдирилди. У Тошкент, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари оша 364,5 км. йўл босиб, Универсиаданинг очилиш тантанасига ёқиб келинади.

Ҳудудларда машъала шарафига кенг жамоатчилик иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Машъалани элтадиганлар орасида спортчи ёшлар билан бир қаторда Кўқон шахри, Учкўприк, Бағдод, Риштон, Данғара, Олтиариқ туманларида яшовчи таниқли инсонлар, спорт ва меҳнат фахрийлари ҳам бор. Бугун машъала Фарғона шаҳрига, «Истиклол» стадионига етиб келади.

Универсиада мусобақаларида қатнашиб, кейинчалик халқаро майдонларда ўзини кўрсатган спортчилардан дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ҳамда Лондон

Олимпиа ўйинлари совриндори Ришод Собиров, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев, ўзбек спортчи қизлари орасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари совриндори, Халқаро шахмат устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё ўйинлари ғолибаси Юлия Тарасова, сузиш бўйича кўплаб рекордлар соҳибалари Раъно Амонова, Юдуз Кўчқорова, бадий гимнастика бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа ғолибаси Азиза Мамажонова ва бошқа кўплаб спортчилар бугун ёшларимизнинг фахрига айланишди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Фарғонада бўлиб ўтадиган Универсиада иштирокчилари орасидан ҳам яқин келажакда дунё миқёсидаги мусобақалар ғолиблари етишиб чиқади.

Мухаммадхон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУТБОЛ

«Локомотив» — чорак финалда!

Осиё чемпионлар лигаси чорак финалчилари номи маълум бўлди.

Ушбу мусобақада муваффақиятли қатнашаётган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси 1/8 финалда Саудия Арабистонининг «Ал-Хилол» (Ар-Риёд) жамоаси билан куч синашди. Бу жамоаларнинг Ар-Риёд шаҳрида ўтган дастлабки учрашувида ҳисоб очилмаганди.

Тошкентдаги «Бунёдкор» стадионида ўтказилган жавоб учрашуви ниҳоятда кескин ва шиддатли кечди. Дастлаб 25-дақиқада темирўлчилардан Исроил Тўхтажоев ҳисобни очган бўлса, иккинчи бўлимда Шерзод Файзиев ўртадаги фарқни оширди — 2:0. Меҳмонлар эса 89-дақиқада пеналтидан киритилган гол эвазига ҳисобни қисқартиришди — 2:1.

Шундай қилиб, «Локомотив» жамоаси ўз тарихида биринчи марта Осиё чемпионлар лигаси чорак финалига йўлланмани кўлга киритди. Ҳамюртларимизнинг чорак финалдаги рақиби куръадан сўнг маълум бўлади. Навбатдаги босқичнинг дастлабки учрашуви 23-24 августда, жавоб баҳслари 13-14 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтамиз, охириги марта 2012 йилда «Бунёдкор» жамоаси Осиё чемпионлар лигаси 1/8 финалига чиққан. Ушанда ярим финалда бунёдкорчилар «Ульсан Хюндай» (Жанубий Корея) футболчиларига ютқазиб қўйилганди.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБОДЛИК

Чироқчида яна байрам

Мамлакатимизда ҳамма баб-баравар байрам қиладиган саналар оз эмас. Лекин ҳар бир туман, шаҳар ва вилоятда шундай қувончли воқеалар бўладики, улар ҳақиқий байрамга айланиб кетади. Агар сўнги икки йилда қайси туманда байрам кўп бўлганлиги ҳисоб-китоб қилинса, Қашқадарёнинг Чироқчиси пешқадамлар қаторидан жой олиши аниқ.

Ушбу анъана жорий йилда ҳам давом этмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Чироқчи шаҳридаги маданият ва дам олиш маркази, «Хумо» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1-ўсмирлар ва спорт мактабининг очилиш маросимлари ҳамда фуқаролар йиғинларининг диний-маърифий ҳамда маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўртасида ўтказилган «Гимнастрада ҳамма учун» спорт мусобақаси ҳам туман аҳли учун ҳақиқий байрамга айланди.

Қашқадарё вилоят ҳокими Зафар Рўзиев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Эркин Бўриев иштирок этган ушбу тадбирларда Президентимиз раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг баркамоллиги йўлида қилинаётган кўплаб хайрли ишлар ва уларнинг самараси тилга олинди.

Дарвоқе, Чироқчи шаҳри марказидаги 80-йилларда қурилган кинотеатр биноси ташландик ҳолатга тушиб қолганди. Ўтган йили



иморатнинг орқа тарафидаги майдонда болалар истироҳат боғи барпо этилди. Бу йил эса ўша иморат қайтадан реконструкция қилиниб, маданият ва дам олиш марказига айлантирилди. Бу ерда 400 ўринли томошахона, доира, ракс, анъанавий ижрочилик тўғрисидаги фойега кўрсатмоқда.

«Хумо» ҚФЙ, Туманобод кишлоғидаги янгидан қурилган 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби эса қўшқаватли кўркем иморат ва катта ўйингоҳдан иборат. Мактаб директори Фарҳод Жумановнинг айтишича, ушбу иншоотни қуриш ва жиҳозлашга 2 миллион 613 миллион сўм маблағ сарфланган. Ҳозирги пайтда 12 спорт тўғрисида 57 мактаб, 4 коллеждан 2,5 мингта яқин бола футбол, волейбол, баскетбол, бадий гимнастика, миллий кураш билан шуғулланмоқда.

«Гимнастрада ҳамма учун» спорт мусобақасининг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 14 жамоанинг Чироқчида бўлиб ўтган вилоят босқичи

беллашуви янада қизиқarli кечди. Унда фуқаролар йиғинларининг диний-маърифий ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича 140 нафар маслаҳатчилари ўз жисмоний баркамолликларини намойиш этишди.

Ушбу мусобақада Қамати тумани вакиллари биринчи, Чироқчи тумани жамоаси иккинчи, Шаҳрисабз тумани маслаҳатчилари учинчи ўринни эгаллашди. Ғолибларга вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳокимларнинг совринлари улашди.

Шу кунги спорт мактабида Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан «Ўқувчи ёшлар, айниқса, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида спорт мактабларида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш» мавзусида амалий ўқув-семинари ҳам ўтказилди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.
- ▶ Ямобуры.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux RAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559
14552
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:00
Topshirilgan vaqti — 23:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 4 5 6